# Фан — ишлаб чиқаришга

# ПАХТАЧИЛИК: ЮТУҚЛАР ВА МУАММОЛАР

**Партия ва ҳукуматимизнинг доимий ғамхўрлиги натижасида мамлакатимизда, шу жумладан, Ўзбекистонда пахтачилик кескин ривожланди. Ҳосилдорлик Ўзбекистоннинг ўзида 30 центнердан ошиб кетди, умумий етиштириладиган ҳосил миқдори 6 миллион тоннага етди. Эндиги вазифа бу тармоқни янада ривожлантиришдан иборат. Бунинг учун албатта фан ютуқлари ва илғор тажрибалардан кенг фойдаланиш даркор.**

Маълумки, пахтакор регионларимизда ҳар йили сув танқислиги сезилмоқда, бу эса юқори ҳосил етиштиришда анча қийинчиликлар туғдирмоқда. Шунинг учун аввало, сув манбаларидан тўғри фойдаланишга эътиборни кучайтириш зарур. Сув омборлари, катта-кичик каналлар қуриш, лоток системаларини қўлланиш; сув шохобчаларини тоза сақлаш ва ундан тўлиқ фойдаланиш учун ерларни текислаш, суғориш механизмларини тўла-тўкис ишлатиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва шу каби ишларни амалга оширишни изчил давом эттириш лозим. Мақсад — бир томчи сув ҳам нобуд бўлмасин! Албатта, сувдан оқилона фойдаланиш борасида катта назарий ишларни ҳал қилиш керак. Аввало, камсувликка чидамли ғўза навларини етиштириш лозим. Тупроқнинг физик ва химик хусусиятларини яхшилаш, пахта-беда алмашлаб экишни жорий қилиш, тупроқ таркибида чиринди миқдорини ошириш унинг нам сақлаш хусусияти ва намдан самарали фойдаланишини таъминлайди.

Сув проблемаси тўғрисида фикр юритар эканмиз, аввало, сувни кам сарф қилиб, юқори ҳосил олишни ҳал қилиш зарур. Бунинг учун ўсимликнинг сув алмашинув физиологияси ва биохимиясини ўрганиш, юқори ҳароратнинг салбий таъсирини бартараф қилиш керак. Чунки юқори ҳарорат таъсирида ғўза шоналари кўплаб тўкилиб кетади. Шуниси ҳам борки, барча агротехника тадбирлари оптимал муддатларда ўтказилган, сув ва ўғитларнинг нисбатига эътибор берилган, суғориш кўпинча кечаси ўтказилган далаларда шона кам тўкилади, ҳосилдорлик юқори бўлади, ҳосил сифатига кам зарар етади.

Ҳосил тақдири ва унинг сифати тупроқ унумдорлигига боғлиқ. Ернинг таркибида органик ва минерал моддалар етарли бўлса, ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши шунча яхши бўлади. Минерал ўғитларни ишлатишда уларнинг фойдаланиш муддатидан ташқари озуқа моддалар нисбатига ҳам жуда катта эътибор бериш талаб этилади. Азотнинг фосфорга ва калийга бўлган нисбати 10:75 — 0,8:0,5 дан кам бўлмаслиги лозим. Аммо шу нисбатда бериш учун баъзан етарли миқдорда фосфорли ўғитлар бўлмайди. Бу ўғит етишмаслигини бартараф қилиш учун эса ғўза-беда алмашлаб экишдан ташқари органик ўғитлардан ҳам кенг фойдаланиш зарур.

Пахта-беда алмашлаб экишни жорий қилиш гўнг солиш ва бошқа органик ўғитларни ишлатиш билан боғлиқ. Пахта-беда алмашлаб экиш жорий қилинган ерларда ғўза ҳосили 8—10 центнерга қадар ошади, шу билан бирга ўсимликнинг энг ашаддий касаллиги — вилтнинг миқдори ҳам камаяди. Масалан, алмашлаб экиш жорий қилинган ерларда 4—5 процент ғўза вилтга чалинса, бундай қилинмаган далаларда 70—80 процентгача касалланади. Ҳосилдорлик кескин камайиб кетади ва ҳосил сифатсиз бўлади. Алмашлаб экиш шу қадар катта аҳамиятга эга бўлишига қарамай, кўпчилик хўжаликлар бу масалага ҳамон етарлича эътибор бермаётир. Бу, албатта, пахтачиликка ва қишлоқ хўжалиги ривожига салбий таъсир қилади.

Ердан унумли фойдаланишда уни тўғри ишлашнинг аҳамияти катта. Аввало, ер кузги шудгордан сира четда қолмаслиги, баъзан эса, эрта баҳорда яхшилаб ҳайдалиши шарт. Бундан аввал тупроқ таркибидаги бегона ўтларнинг илдизи териб олиниши, ер икки ярусли плуглар ёрдамида ҳайдалиши лозим. Фосфорли ўғитлар йиллик нормасининг 70 проценти, калийли ўғитларнинг 50 проценти, имконият борича юқори нормада гўнг солиб ерни ҳайдаш мақсадга мувофиқдир. Фақат кузги шудгорни ўз вақтида ўтказиш ҳисобига, СоюзНИХИ тажрибаларига кўра, пахта ҳосили 3,5—7,5 центнер ошади. Кузги шудгорнинг энг оптимал муддатлари октябрь, ноябрь, айрим ерларда декабрь ойининг бошига тўғри келади. Аммо бу муддатларда кўп жойларда ерларни шудгор қилиш таъминламаётир. Натижада ҳосилдорликка путур етказилмоқда. Устига устак кузги шудгор кўп ҳолларда маҳаллий ва минерал ўғитларсиз ўтказиляпти.

Тупроқ унумдорлигига қишлоқ хўжалигида ишлатилаётган химиявий моддалар таъсири катта. Улар икки группага бўлинади. Бир гуруҳи ҳаёти учун энг муҳим бўлиб, ўсимликлар ўсиш ва ривожланишида бевосита иштирок этади, модда алмашинувида қатнашади, ўсимлик ривожи ва ҳосилни белгилайди. Иккинчи гуруҳ моддалар ўсимликларда учрамайди. Ўсимлик учун улар ҳатто зарарли ҳисобланади. Шу боис уларни кўпроқ миқдорда ишлатилса, тупроқда яшовчи микроорганизмлар жароҳатланади. Гербицидлар, пестицидлар, дефолиантлар, десикант каби моддалар шулар жумласига киради. Буларнинг деярли ҳаммаси тирик организмлар учун заҳарли бўлиб, ҳаддан ташқари кўп ишлатилса, тупроқ унумдорлигига салбий таъсир қилади. Шунинг учун олимларимиз бегона ўтларни, касалликларни, ҳашаротларни биологик методлар йўли билан йўқотишга жуда катта эътибор беришлари, ўта заҳарли дефолиант ва десикантлар ўрнига кам заҳарли ва заҳарсиз моддалар излаб топишлари зарур. Уларни ўсимлик ва ҳайвон организмидан ажратиб олиб ишлатиш усулларини топиш ва такомиллаштириш керак.

Олиб борилган тажрибалар шуни кўрсатадики, агар тупроқда органик моддалар етарли бўлмаса, унга кўплаб солинган химиявий моддалар ва ҳатто минерал ўғитлар ҳам фойдали микроорганизмларга салбий таъсир кўрсатади, оқибатда тупроқ унумдорлиги камаяди. Шунинг учун ҳам тупроқ таркибида органик моддаларнинг айниқса, чириндиларнинг миқдорини оширишга жуда катта эътибор бериш талаб этилади. Буларнинг манбаи, аввало пахта-беда алмашлаб экиш, тупроққа мунтазам равишда гўнг солиб бориш, саноат чиқиндиларидан кенг фойдаланишдир. Минерал ўғитларни органик ўғитларнинг маълум бир миқдори билан биргаликда ишлатиш керак. Афсуски, органик ўғитлар манбаи Ўзбекистонда етарли эмас. Бу масалани ижобий ҳал қилиш учун алмашлаб экишни жорий қилишдан ташқари чорвачиликка катта эътибор бериш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, Ўзбекистон пахтачиликнинг энг шимолий райони ҳисобланади. Шунинг учун бу ерда ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши учун кўпинча қулай кунлар етишмайди. Демак ғўза вегетация даврини қисқартириш, уни серҳосил ва сифатли қилиб ўстириш ҳам муҳим проблемалардан биридир. Селекциячи олимларимиз бир қанча ўрта ва ингичка толали ғўза навларини етиштирдилар. Бунинг эвазига пахтачилик сезиларли даражада ривожланди. Аммо аксариятининг вегетация даври 130—140 кунга тенг. Асосий мақсад 110—115 кунда пишиб етиладиган ғўза навларини яратишдир. Ҳозир олимларимиз шу соҳада самарали ишлар қилмоқдалар. Шубҳа йўқки, бу муаммо ҳам вақти келиб ижобий ҳал қилинади.

Ғўзанинг ўсиш ва ривожланишини тезлаштиришда агротехника тадбирлари жуда катта роль ўйнайди. Аввало ғўза ўз вақтида, сифатли қилиб экилиши шарт. Экиш даврида тупроқ ҳарорати 14—15 даражадан, намлик миқдори эса 17—18 процентдан кам бўлмаслиги керак. Экиш билан бирга тупроққа комплекс минерал ўғитлар бериш шарт. Экиладиган чигитлар сифатли, пестицидлар билан ишланган, туксизланган, капсулланган бўлиши ғўза ривожини тезлаштиради. Борди-ю яганага эҳтиёж бўлса, уни узоғи билан иккинчи барг чиққунча ўтказган маъқул. Пахта майдонларида биронта ҳам бегона ўт бўлмаслиги шарт. Кўчатлар илдиз чириш касаллигига учрамаслиги учун эса ғўза қатор ораларини сифатли культивация қилиш керак. Ғўзаларни 2—3 маротаба минерал ўғитлар билан озиқлантириш, бу ишни узоғи билан июнь ойининг биринчи ўн кунлигида тамомлаш лозим. Органик ва минерал ўғитлар бериш ғўзаларни культивация қилиш билан бирга олиб борилса, яхши самара беради. Шунда ғўзалар тез ўсади, яхши ривожланади, катта бўғинли бўлади. Ҳосил бўлган шоналар тўкилмайди. Ўтказиладиган ҳар бир комплекс ишлов қисқа муддатда тугалланиши керак. Масалан, Тошкент пахтакорлари ҳар бир ишловни 10—12 кунда ўтказадилар. Бунинг эвазига пахта серҳосил ва эртапишар бўлади.

Ғўзаларни ўз вақтида чеканка қилиш ҳам ҳосилнинг юқори ва сифатли бўлишига таъсир этади. Чеканкани ўрта толали ғўзаларнинг қалинлиги ҳар гектарда 100—120 минг атрофида бўлса, ҳар тупида 14—15 ҳосил шохи пайдо бўлганда, ингичка толали ғўзада эса 17—18 ҳосил шохи пайдо бўлганда ўтказиш керак. Чеканка қилинмаган ғўзалар тез ўсиб, ғўза бўғин оралари узун бўлиб қолади. Озуқа моддалар, сув кўплаб ҳосил тўплашга эмас, ошиқча, «кераксиз» барглар, шохлар пайдо қилишга сарфланади. Ғовлаган ғўза кечпишар, кам ҳосил бўлади. 1983 йили ҳаво иссиқ келган пайтларда ўз вақтида чеканка қилинган ғўзаларнинг мевалари кам тўкилди, улар серҳосил бўлди. Чеканка қилишда механизмлардан фойдаланиш, шунингдек, катта тажрибага эга бўлган ишчи ва колхозчиларнинг қатнашиши мақсадга мувофиқдир.

Соғлом кўчат олишда, эртапишар, сифатли ҳосил йиғишда ғўзани пуштага экиш муҳим агротехника тадбирлардан бири ҳисобланади. Республикамизда бир миллион гектардан кўп ерга ғўзани пуштага экиш мумкинлиги аниқланган. Аммо, махсус пушта тайёрлаш учун ишлатиладиган техника йўқлиги сабабли, бу тадбирлар кенг қўлланилмаяпти. Ёғингарчилик кўп бўлганида ҳам пуштада намлик бир меъёрда бўлади, чигит чиримайди, ҳарорат одатдагига нисбатан қарийб 3 даража юқори бўлади, илдиз чириш касаллиги ривожланмайди. Натижада пуштага экилган ғўзаларнинг ўсиши ва ривожланиши тезлашади, ҳосилдорлик 3,5—7 центнерга ошади, ғўзаларнинг пишиб етилиши 7—8 кунга қисқаради. Шунинг учун бу илғор тадбир пахтачиликда кенг қўлланилади.

Фан олдида турган муҳим вазифалардан бири пахта ҳосилдорлигини янада оширишдир. Об-ҳаво ноқулай келишига қарамасдан, олинган социалистик мажбуриятни бажариш учун ғўза биологиясини мукаммал ўрганиш, айниқса, ғўзанинг мева ҳосил қилиш ва уни сақлаб қолиш жараёнларини тадқиқ этиб, пайдо бўлган шоналар ҳисобига юқори ҳосил олиш усуллари ишлаб чиқилиши лозим. Қисқаси, юқори ҳосил олишнинг программа принципларини амалга оширмоқ зарур. Бу масалани ҳал қилишда биолог олимлардан ташқари, агротехниклар, математиклар, кимёгарлар, физиклар, механиклар, кибернетиклар ва табиий фан соҳасида ишлаётган бошқа олимлар фаол иштирок этиши талаб қилинади.

Бу соҳада СоюзНИХИ олимлари, бошқа илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорликда самарали иш олиб боришмоқда. Тўғри, ҳозирча математик модель асосида юқори ҳосил олиш проблемаси ҳал этилганича йўқ. Аммо юқори ҳосил олишнинг назарий ва амалий жиҳатлари ишлаб чиқилган ва бу тавсиялардан тўғри фойдаланган кўпгина хўжаликлар узлуксиз равишда об-ҳаво ноқулай келишига қарамай, ҳар йили 40—45—50 центнер ва ундан ҳам кўпроқ ҳосил олмоқдалар. Бу илғор тажриба мукаммал ўрганилиб, ҳамма ерда кенг қўлланилса, мақсадга мувофиқ иш қилинган бўлар эди.

Пахтачилик соҳасида ишлаётган совет олимлари муҳим проблемалар устида илмий-тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар. Бу муаммоларнинг илмий ечими, шубҳасиз, Ўзбекистон, қолаверса бутун мамлакатимиз пахтачилигининг янада ривожланишида жуда муҳим омил бўлиб, партиямиз XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил декабрь Пленуми қарорларини амалга оширишда катта ёрдам беради.

**А. ИМОМАЛИЕВ,**
**«Союзхлопок» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, ВАСХНИЛ академиги.**

# Чет элларда

**ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР • ФАКТЛАР • ШАРҲЛАР**

## СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

### ВАГОНСОЗЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРМОҚДАЛАР

БЕРЛИН. Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларига ГДР вагонсозларининг маҳсулоти ғоят манзур бўлди. Экономика ана шу тармоғининг 23 минг кишилик коллективи ишлаб чиқаришни доимо такомиллаштирмоқда.

Шу йил ГДР вагонсозлик саноатининг социалистик мамлакатларга экспорти 17 процент кўпайиши лозим. Совет Иттифоқи айниқса катта буюртмачи ҳисобланади. Ҳозиргача СССРга жами 21 мингта пассажир вагони ва 30 мингдан кўп рефрижератор—вагон етказиб берилди.

Келгуси беш йиллик планларида, жумладан, мураккаб иқлим шароитларида кўп кунлик сафар учун махсус жиҳозланган янги пассажир вагонини яратиш кўзда тутилади. 1987 — 1990 йилларда Совет Иттифоқига янги рефрижератор — вагон етказиб бериш тўғрисида аҳдлашиб олинди. Бундай замонавий музлатиш вагонларини Дессау шаҳридаги завод ишлаб чиқарадиган бўлади.

### СИФАТНИ ЯХШИЛАШ УЧУН КУРАШ

СОФИЯ. Трявндаги А. Стоянов номли трикотаж фабрикасида сифатни яхшилаш масалалари билан шуғулланувчи ижодий группалар тузилди. Бу группаларда ишчи ва мутахассислар ишлаб чиқаришнинг энг мақбул технологиялари ва меҳнатни самарали ташкил этиш йўлларини қидириб топиш учун ижодий куч-ғайратларини бирлаштирганлар. Группаларнинг таклифига мувофиқ фабрикада буюмларга истеъмолчиларнинг ўзаро баҳо беришини кўзда тутувчи кийим-кечак ҳар бир моделини таҳлил қилиш методи тасдиқланган. Харидорга савол билан мурожаат қилинган анкета буюмга илова қилинади. Харидор саволларга жавоб бериб, анкетани қайтаради. Шу тариқа олинган ахборот моделнинг яхши томонлари ва камчиликларини, унинг сифатини холисона белгилаш имконини беради.

### ИШ БИЛАН ЯХШИ ТАЪМИНЛАНГАН

БУХАРЕСТ. Кейинги ўттиз йил мобайнида социалистик Руминияда беш миллионта янги иш ўрни ташкил этилди.

Ишлаб чиқаришга хотин-қизларни тобора кенгроқ жалб этиш, ижтимоий-иқтисодий ҳаётда уларнинг роли тобора ошиши характерли хусусият ҳисобланади. Бугунги кунда хотин-қизлар экономикада банд бўлган кишиларнинг 43,8 процентини ташкил этади.

(ТАСС).



● **КУБА Озодлик оролининг балиқ саноати йил сайин ривожланиб бораётир. Бу тармоқ янги замонавий асбоб-ускуналар билан ишлайдиган кемаларга эга. Суратда: балиқ саноати марказида.**

ТАСС фотохроникаси.

## В. И. ЛЕНИННИНГ ТЎЛА АСАРЛАРИ ТЎПЛАМИ ХХРДА НАШР ЭТИЛАДИ

ПЕКИН, (ТАСС). «Жэньмин жибао» газетаси ХКП Марказий Комитети В. И. Ленин тўла асарлари тўплами иккинчи нашрини хитой тилида босиб чиқаришга қарор қилганлигини хабар беради. 1984 йилда дастлабки тўрт томни босиб чиқариш планлаштирилмоқда. Шундан кейин ҳар йили ўнта том босмадан чиқарилади. Олтмиш томнинг ҳаммасини нашр этишни 1990 йилда ниҳоясига етказиш кўзда тутилмоқда.

Хитойнинг китоб магазинларида В. И. Ленин тўла асарлари тўпламига обуна бошланди.

## ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

● **ПРАГА. Бу ерда илмий ходимлар жаҳон федерациясининг қуролсизланиш комитети иш бошлади.**

Бу комитет дунёдаги барча мамлакатларнинг олимлари ва инженерларини бирлаштирувчи мазкур касаба союз ташкилоти учун «Космосдаги қуролланиш пойгаси хавфи ва космосдан фақат тинчлик мақсадларида фойдаланиш бениҳоя зарурлиги» ҳақида доклад тайёрлаб беради.

Учрашувда сўзга чиққан ЧССРнинг космонавт-учувчиси Владимир Ремек совет космик учишларининг нуқул тинчлик мақсадларини кўзлашини ва ўзи мана шундай ишлардан бирида бевосита қатнашганлигини таъкидлади. Космоснинг ҳарбийлаштирилишига йўл қўймаслик ва уни инсоният хавфсизлиги ва атрофимиздаги дунё ҳақида янги билимлар ўрганиш мақсадида барча мамлакатлар ўртасида ҳамкорлик соҳасига айлантириш зарур, деди В. Ремек.

● **КОРНОЙБУРГ (Қуйи Австрия). Австриядаги энг катта «Линц-Корнойбург» кемасозлик корхонасининг ишчилари совет буюртмаси билан қурган яна бир кемада СССР давлат байроғини кўтаришди.**

«Александр Блок» пассажир кемасини совет дарёчиларига топширишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Бу — совет ташқи савдо бирлашмалари австриялик кемасозларга буюртма берган 5 та кеманинг иккинчисидир.

Тантанали маросимда сўзга чиққан корхона бош директори К. Вильд совет буюртмаларини бажариш кемасозлик корхонасининг коллективи учун муҳим ва масъулиятли иш эканини таъкидлади. Бизнинг амалий алоқаларимиз, деди у, Австрия билан Совет Иттифоқи ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса бўлиб қўшилади.

● **ЛЮКСЕМБУРГ. Европа иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлган мамлакатлар социалистик партиялари иттифоқининг бу ерда ўз ишини тамомлаган XIII съезди социалистларнинг сайловолди манифестини қабул қилди.**

Бу манифест «Умумий бозор» мамлакатлари социалистик ва социал-демократик партияларининг шу йил ёз фаслида Европа парламентига ўтказиладиган сайловдаги сиёсий платформасидан иборат. Ҳужжатда шу партияларнинг программавий мақсадлари — экономикани юксалтириш учун, пулнинг қадрсизланишига ва ишсизликка қарши, аёллар ва ёшларнинг ҳуқуқларини таъминлаш учун кураш режалари баён этилган.

Халқаро муносабат соҳасида «Умумий бозор» социалистлари Европа Қўшма Штатлардан мустақил бўлиши, тинчлик мустаҳкамланиши, кескинликни юмшатиш иқлими қайта тикланиши, қуролсизланишга эришилиши тарафдори эканликларини айтдилар.

● **МАДРИД. Парижнинг Францияга қарашли 200 милялик иқтисодий зонада ов қилиб юрган испан балиқчиларига қарши қилган ҳаракатлари натижасида Испания — Франция муносабатлари кескинлашиб бормоқда.**

Франциянинг ҳарбий денгиз кучлари кемалари кеча Бискай кўрфазида Испаниянинг балиқ овлаш кемасини яна ўққа тутганлар. ЭФЭ ахборот агентлигининг «Онда пескера» радиостанцияси маълумотларига асосланиб хабар қилишича, испан балиқчилари ўт остидан қочиб қолишга муваффақ бўлганлар.

Янги можаро бундан икки кун муқаддам Франциянинг соқчи кемаси балиқ овлаб юрган Испаниянинг иккита кемасини ўққа тутган районга яқин жойда содир бўлган. Ўша ўққа тутиш натижасида тўққиз балиқчи жароҳатланган, улардан икки киши оғир аҳволда эди.

(ТАСС, 10 март).

## МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

● **БЕРЛИН. Халқаро хотин-қизлар куни — 8 март муносабати билан бу ерда ГДР меҳнаткаш хотин-қизларидан 100 дан кўпроқ кишига К. Цеткин медаллари топширилди. Улар республикада ривожланган социалистик жамиятни барпо этишдаги, тинчлик ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш учун, империалистларнинг мухолифлик йўлига ва қуролланиш пойгасига қарши курашдаги жуда катта хизматлари учун шу юксак мукофотларга сазовор бўлдилар.**

## РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

### ФИФАНИНГ ҚАРОРИ

**Халқаро футбол федерацияси (ФИФА)нинг қарорига мувофиқ Бразилияга Жюль Риме ғойиб бўлган кубогининг олтин нусхаси топширилади. Америка «Кодак» кино-фото концерни Бразилия филиалининг буюртмасига биноан уни ГФРдаги заргарлик фирмаларидан бирида тайёрлаб беради.**

**ФИФАнинг Бернда тарқатилган хабарига кўра, Бразилия футбол уюшмасининг делегацияси 26 март куни Ғарбий Германияга учиб кетади. Делегация у ерда ФИФА ҳамда ГФР футбол уюшмасининг вакиллари олдида «Олтин маъбуда» нусхасини қабул қилиб олади. 3 апрелда эса соврин Рио-де-Жанейрога келтирилади. Бу ерда у тантанали равишда кутиб олинади.**

**«Олтин маъбуда» нусхасининг оғирлиги асли сингари 1,8 килограмм бўлиб, унинг нархи 85000 швейцария франкига тенгдир.**

### АЁЛЛАР ЭВЕРЕСТНИ ЗАБТ ЭТМОҚДАЛАР

**Ҳиндистонлик етти нафар альпинист аёл жаҳоннинг энг баланд чўққиси — Эверестга чиқишда қатнашадилар. Шу кунгача бу чўққини Польша, Хитой Халқ Республикаси ва япониялик тўрт нафар аёлгина забт этишга муваффақ бўлишганди. Дунёнинг энг баланд чўққиси ҳисобланган Эверест денгиз сатҳидан 8848 метр баланддир.**

**Яхши жисмоний тайёргарлик кўрган, чўққиларга чиқиб анчагина тажриба орттирган ҳиндистонлик спортчи аёллар ўн бир эркак альпинист ва маҳаллий шерплар билан бирга Эверест районига жўнаб кетишди. Экспедиция анъанавий жанубий маршрутни танлади. Чўққига чиқишни май ойида бошлаш мўлжалланмоқда.**

### АНТАРКТИДАДА ҲИНД ИЛМИЙ СТАНЦИЯСИ

**Антарктидада доимо ишлайдиган ҳинд илмий станциясини ташкил қилиш иши ниҳоясига етди. ПТИ ахборот агентлигининг хабарига кўра, муз қитъасига 27 декабрда келган учинчи ҳинд Антарктида экспедициясининг 70 дан кўпроқ қатнашчиси яқин кунларда юртига қайтиб кетишади. Станцияда эса 12 кишидан иборат қишловчилар группаси қолади. Улар навбатдаги партия келгунига қадар илмий тадқиқотларнинг катта программасини бажаришлари керак.**

## ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● **ЖАЗОИР. Жазоир меҳнаткашлар умумий иттифоқи (ЖМУИ) миллий кенгашининг бу ерда бўлиб ўтган 5-сессиясида ЖМУИнинг 1984 йилги иш программаси тасдиқланди. Бу программа халқ оммасини меҳнат унумдорлигини ва корхоналарнинг рентабеллигини ошириш, корхоналарни социалистик бошқариш системасини мустаҳкамлаш, моддий ресурслардан тежаб фойдаланиш юзасидан асосий хўжалик вазифаларини ҳал этишга куч-ғайратни сарфлашга даъват этади.**

● **НЬЮ-ЙОРК. Америка коммунистлари Компартиядан унинг Бош секретари Гэс Холлни АҚШ президентлигига, Компартия Марказий Комитетининг аъзоси Анжела Дэвисни эса вице-президентликка номзод қилиб рўйхатга олувчи штатларнинг имкони борича кўпроқ бўлишига эришиш мақсадида фаол кампания олиб бормоқдалар. Партия активлари шу мақсадда Компартия номзодларининг фамилияларини сайлов бюллетенларига киритиш тўғрисидаги талаб баён этилган хитобномаларга имзо тўпламоқдалар. Саноат штатларида имзо тўплаш муваффақиятли давом этмоқда.**

**(ТАСС).**

## Ишончли иттифоқчилар

ДЕҲЛИ. (ТАСС мухбири). Социалистик мамлакатлар— қўшилмаган давлатларнинг ялпи тинчликни мустаҳкамлаш, қуролсизланиш ва ядро уруши хавфини бартараф этиш учун олиб бораётган курашида уларнинг ишончли иттифоқчиларидир. Қўшилмаган мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг Деҳлида бўлиб ўтган VII конференциясининг бир йиллигига бағишлаб бу ерда ўтказилган оммавий митинг қатнашчилари ана шуни айтдилар.

Социалистик мамлакатлар қўшилмаслик ҳаракатини империализмга, ирқчилик ва мустамлакачиликка қарши курашда муҳим куч деб ҳисобламоқдалар, деб таъкидлади ўз нутқида Ҳиндистон парламентининг аъзоси Г. Л. Догра. Улар империалист давлатларнинг қўшилмаган давлатларга нисбатан фитналарини бир неча бор барбод этдилар. Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги ёш мамлакатлар янги мустамлакачиликка қарши, одилона халқаро иқтисодий ва ахборот тартибини ўрнатиш учун олиб бораётган курашида Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик давлатлар уларга чинакам мадад беришга тайёр эканликларига бир неча марта ишонч ҳосил қилдилар. Бундай ёрдам капиталистик давлатларнинг «ёрдами»дан бутунлай фарқ қилади, деди парламент аъзоси.

Давлат молия министри С. М. Кришна империалистик мамлакатларни ва аввало АҚШнинг агрессив йўлини кескин танқид қилди. Ғарб мамлакатлари, деб таъкидлади у, қўшилмаслик ҳаракати қатнашчиларини қўшилмаслик йўлидан тойдиришга уриниб, уларга нисбатан қўпол дўқ-пўписа, туҳматдан ва бошқа разил усуллардан фойдаланиб шу ҳаракатга қарши доимо курашиб келмоқдалар. Ўз сафларида жаҳоннинг юздан кўпроқ мамлакатини бирлаштирган қўшилмаслик ҳаракати ҳозир халқаро сиёсатнинг нуфузли кучига айланди, бу куч муҳим халқаро проблемаларни ҳал этишга муҳим ҳисса қўшмоқда, деб таъкидлади министр.

Митинг қатнашчилари қабул қилган резолюцияда ядровий қуролланиш пойгасини тезроқ жиловлаш ва қуролсизланиш учун кураш — ҳозирги вақтда қўшилмаслик ҳаракати олдида турган асосий вазифа эканлигини таъкидладилар.

## ЯНГИЛИКЛАР

### АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК

⊙ **«Госкомсельхозтехника» Вобкент район бирлашмасида янги цех очилди.**

**Бу цех ўроқ, арра, парранда қафаслари, қишлоқ аҳолисига зарур маҳсулот тайёрлайди. Бу маҳсулотларнинг ҳаммаси металл чиқитларидан, автомобиль, қишлоқ хўжалик машиналарининг эски деталларидан ишланади. Цехда атиги уч киши ишлайди. Улар шу йил 3 минг метр пўлат тўр, 500 та ўроқ, анчагина бошқа маҳсулотлар тайёрлаб чиқариш мажбуриятини олдилар.**

### ФАРЗАНДЛАРИМИЗГА АТАБ

⊙ **Фарғона химиклари ва нефтчиларининг ишчи посёлкаси — Қирғулидаги собиқ ялангликда болалар эртак шаҳарчаси жиҳозланди.**

**Бу ерда кулбалар, ғалати арғимчоқлар ишланган бўлиб, уларни афсонавий баҳодирлар қўриқлаб туради. Фарғона уйсозлик комбинатининг қурувчилари болаларга шу шаҳарчани бунёд этдилар. У болалар ўйнайдиган суюкли жой бўлиб қолди.**

### ҚАМИШ ПЛИТАЛАР

⊙ **Қоракўл ўрмон хўжалигидан хўжаликларга қамиш плиталар жўнатила бошланди.**

**Бу ерда плиталар тайёрлайдиган участка барпо этилди. Қадимги қурилиш материали — қамишга ҳозирги кунларда ҳам талаб катта. Қамиш плиталардан муваққат уй-жой, дала шийпонлари, ошхона, енгил типдаги оғилхоналарни тезда қуриб олиш мумкин. Чўл шароитларида эса бундай иморатлар жуда зарур. Ўрмончилар мавжуд қамишзорларни сақлаб қолишдан ташқари янги қамишзорлар барпо этишга ҳам қарор қилдилар. Шу йил хўжаликларнинг талабларига биноан 10 мингтадан кўп қамиш плиталар тайёрлаш мўлжалланган.**

**(ЎзТАГ).**

ОЗИҚ-ОВҚАТ ПРОГРАММАСИ АМАЛДА

## БЎРДОҚИБОҚАРЛАР ҒАЙРАТИ

«Комсомолобод» бўрдоқичилик совхози Олот районининг ташландиқ, шўрхок массивида ташкил этилганига қарамай коллективнинг фидокорона меҳнати туфайли йил сайин ривожланмоқда. Кейинги йилларда ер ости сувларини қочирадиган бир неча километр коллекторлар ҳамда дренаж тармоқлари барпо этилди. Аму — Қоракўл каналидан сув оладиган ариқлар бетонлаштирилди. Ирригация иншоотлари қурилди. Ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Натижада совхозда озуқа экинлари майдони кенгайди. Янги ерларга экилган озуқабоп экинлардан дастлабки йилдаёқ мўл ҳосил етиштирилди.

Совхозда меҳнаткашлар дастурхонига кўплаб семиз гўшт етказиб берила бошланди. Хўжаликнинг азамат бўрдоқибоқарлари ўтган йили давлатга 110 тонна гўшт сотиб, бу борадаги планнигина эмас, ҳатто мажбуриятларини ҳам ошириб адо этишди. Маҳсулот таннархи кўзда тутилганидан анча арзонга тушди. Олинадиган соф фойда салмоғи эса 1,5 баравар ошди.

1984 йилнинг дастлабки икки ойида эришилган ютуқлар ҳам чакки эмас. Давлатга ана шу қисқа муддатда 45 тонна гўшт сотилиб, белгиланган йиллик план муддатидан илгари бажарилди. Гўштга топширилган ҳар бир қорамол 455—460 килограмм тош босди.

Ҳозир совхозда бўрдоқига боқилаётган қорамоллар сони 1500 бошдан ошиб кетди. Бундан ташқари 600 бош чўчқа, 498 бош қўй ва бир неча мингта товуқ ҳам мавжуд. Айни кунларда улар қишловдан соғлом, семиз ва бечиқим олиб чиқилмоқда. Етарли дағал хашак, концентрат мавжуд.

**Ҳ. ҚОДИРОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

